



Харид комиссиясининг
« _____ » _____ 2022 й.
баёнига 1-илова

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Харид комиссиясининг раиси,
Оққўрғон туман ободонлаштириш
бошқармаси директори
SH. Muxamadkulov

« _____ » _____ 2022 йил

2022 йилда Тошкент шаҳар Оққўрғон туман ободонлаштириш бошқармаси буюртмачилигида жорий таъмирлаш объектларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган барча Энг яхши таклифларни танлаш харидлари бўйича Энг яхши таклифларни танлашни ташкил этиш ва ўтказиш орқали, танлаш бўйича

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ
(РЕГЛАМЕНТ)**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг иш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ўРҚ-684-сон Қонуни талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, харид комиссиясининг Энг яхши таклифларни танлашни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб борадиган иш тартибини белгилайди.

1.2. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси коллегиял орган ва Энг яхши таклифларни танлашнинг асосий қатнашчиси (*Энг яхши таклифларни танлаш савдоларини ўтказиш жараёнининг доимий ёки вақтинчалик органи*) ҳисобланиб, буюртмачи (*инвестор*) томонидан ташкил этилиб, буйруқ ёки бошқа расмий ҳужжат билан тасдиқланади, Энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқишга ваколатлидир.

1.3. Мазкур харид комиссияси Оққўрғон туман ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил _____ даги _____ -сон буйруғи билан тасдиқланган.

II. ХАРИД КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг дастлабки йиғилиши Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатининг ишлаб чиқилиши жараёнида ўтказилиб, харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади:

- Энг яхши таклифларни танлаш ва қатнашчиларнинг малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатларини, таклифни жойлаш шартлари ва талабларини;
- таклифларнинг техник ва молиявий баҳолаш мезонларини;
- Энг яхши таклифларни танлашда қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини;
- таклифни қабул қилишнинг мудатини, таклифларни кўриб чиқиш мудатини, бунда махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 5 иш кунидан кам бўлмаслиги шарт.

2.2. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларининг техник ва молиявий баҳолашнинг тавсиявий мезонлари 2-иловада келтирилган.

2.3. Техник ва молиявий баҳолаш мезонлари иш тури, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатларидан келиб чиқиб ҳар бир объект бўйича алоҳида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

2.4. Харид комиссияси қайси бир Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчисига устунлик берувчи Энг яхши таклифларни танлаш таклифларининг баҳолаш мезонларини белгилашга ҳақли эмаслар.

2.5. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси барча объектларни Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ таклифларни ўрганади, текширади ва

кўриб чиқади, Энг яхши таклифларни танлаш ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади;

2.6. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг ҳар бир объект бўйича комиссия раиси ва иштирок этган барча комиссия аъзолари томонидан электрон имзо орқали тасдиқланадиган баённомалар юритилади.

III. МАЛАКАВИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ, ТАРКИБИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА БАҲОЛАШ

3.1. Барча таклифлар харид комиссияси томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- Малакавий ҳужжатлар ва уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда уларнинг кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак.

3.2. Агар ҳужжатлар мавжуд бўлмаса ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг молиявий таклифлари инобатга олинмайди.

3.3. Малакавий ҳужжатлар тасдиқланган мезонлар асосида ўрганиб чиқилади.

3.4. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси қатнашчиларнинг малака кўрсаткичларини баҳолашда барча комиссия аъзолари алоҳида, шу билан бирга ишчи гуруҳининг фаолиятига зарур бўлган ҳолларда мустақил экспертларни таклиф этади.

3.5. Баҳолаш гуруҳлари ёки мустақил экспертларга малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиш бўйича аниқ муддатлар белгиланиб, таклиф киритиш ҳақида топшириқлар берилади.

3.6. Малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг энг яхши таклифларни танлаш комиссияси оддий овоз бериш усули билан қарор қабул қилади.

3.7. Агар қатнашчининг таклифи кейинги босқичларга ўтиши учун техник баҳолаш натижалари бўйича комиссия аъзоларининг кўпчилик овози маъқулланса, харид комиссиясининг қарори ижобий ҳисобланади.

3.8. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

3.9. Ҳар бир таклифнинг кейинги босқичларга ўтиши учун Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси 60 балл ва ундан юқори балл тўплаши керак, ғолибни аниқлашда ёки комиссия аъзоларини бошқа хулоса ва қарорлари, “Ҳа”, “Йўқ” ёки “Бетараф” овоз бериш усули орқали амалга оширилади.

IV. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАР, ТАРКИБИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, БАҲОЛАШ ВА ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

4.1. Молиявий таклифлар энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- Молиявий таклифлар, уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак;

- арифметик хатолар текширилади.

4.2. Молиявий таклифлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг энг яхши таклифларни танлаш комиссияси оддий овоз бериш усули билан қарор қабул қилади, Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси аъзоларининг ҳар бири мустақил равишда Энг яхши таклифларни танлаш таклифлари бўйича қарор қабул қилиши мумкин.

4.3. Энг мақбул таклиф қилган нархи бўйича қатнашчи энг юқори яъни 35 балл, бажариш муддати буюртмачи белгиланган муддатга мос ёки ундан кам бўлса 5 балл билан баҳоланади, қолган иштирокчиларнинг баллари интерполяция усулида аниқланади.

4.4. Таклифларда таклиф этилган нархни ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш тақиқланади.

4.5. Савдолар туридан қатъи назар, Энг яхши таклифларни танлаш ғолиби Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси ғолибларни энг кўп рақобатли нархлар, етказиб бериш ва ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) шартлари, тўлов ҳамда Энг яхши таклифларни танлаш шартларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича аниқлайди.

4.6. Харид комиссиясининг овоз бериш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

4.7. Энг яхши таклифларни танлаш ғолибини аниқлаш бўйича харид комиссиясининг қарори махсус ахборот порталида эълон қилинади.

4.8. Комиссия томонидан келиб тушган таклифларга нисбатан қабул қилинган қарори якуний ҳисобланади. Энг яхши таклифларни танлаш тартибида келиб чиққан келишмовчиликлар ва низолар, бунортмачи, Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси, Энг яхши таклифларни танлаш бошқа қатнашчиларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлик) ва қарорлар юзасидан шикоятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.